O`zbekiston Respublikasi
MChJ
«OSIYO – AUDIT»
Auditorlik Tashkiloti

"OSIYO-AUDIT"

Республика Узбекистан
Аудиторская организация
«OSIYO – AUDIT» в
форме ООО

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"SHOFIRKON PAXTA TOZALASH" AJ (адресат) реквизитлари:

№ 5

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Ш.Хамроев ҚФЙ, Юқори Ёбусхур қишлоғи; СТИР-201 113 106; АКБ "Агробанк"; МФО-00089; х/р: 2021 0000 4004 1209 6001; Тел; (0365) 502-34-73; e-mail: shofirkon@bps.uz

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-uy, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyo-audit@mail.ru, 00124-сонли 29.02.2008 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувохнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 11 июн 2016 йилда берилган № 05396-сонли аудитор малака сертификатига эга Нарзиева Наргиза Нуруллаевна.
MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмайилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори "SHOFIRKON PAXTA TOZALASH" AJ нинг "Бухгалтерия баланси"-1-шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"-2-шакл, "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот"-4-шакл; "Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот"-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 2017 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 17.02.2018 йилдаги 5-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

"SHOFIRKON PAXTA TOZALASH" AJ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "SHOFIRKON PAXTA TOZALASH" AJ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект "SHOFIRKON PAXTA TOZALASH" AJ нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор **А.Исмайилов**

Аудитор **Н. Н.Нарзиева**

2018 йил "06" апрел